

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЕВ ХУСАН ХОЛНАЗАРОВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЎТОВСОЗЛИК ЛЕКСИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2017

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора философии

Content of the abstract of doctoral dissertation on philology sciences

Бердиев Хусан Холназарович Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси	5
Бердиев Хусан Холназарович Юртостроительная лексика узбекского языка	21
Berdiev Husan Holnazarovich Yurt - building lexicology of the Uzbek language.....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	45

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЕВ ХУСАН ХОЛНАЗАРОВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЎТОВСОЗЛИК ЛЕКСИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.02.PhD/Fil114 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Муродқосим Абдиев филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Ҳамидулла Дадабоев филология фанлари доктори, профессор Абдуғофур Маматов филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил 29 сентябрь куни соат 09:00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. 101-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2017 йил 18 сентябрь куни тарқатилди.

(2017 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ж.Д.Элтазаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

Ж.Ҳамроев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинарнинг раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда касб-ҳунар лексикаси ҳамда терминологик тизимлар тамойилларини тадқиқ этишда тилшунослик билан бир қаторда этнография, лингвокультурология, маданиятшунослик ва санъатшунослик сингари фанлар интеграцияси устувор характерга эгадир. Шу билан бирга терминологик тизимларда уларнинг гипонимик, партонимик, функционимик, градуонимик, синонимик, антонимик, омонимик каби муносабатларини, шу билан бирга, соҳа лексик бирликларининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши билан халқимизнинг миллий тарихи, анъаналари ва этнографияси билан боғлиқ лексик қатламларини тадқиқ этиш тилшунослигимизнинг асосий масалаларидан бирига айланди. Зеро, “ ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди”¹. Ушбу ёндашув асосида халқимиз маданиятининг ажралмас қисми бўлган миллий ҳунармандчиликнинг унутилган соҳалари қайта тикланди. Бинобарин, ўзбек тилшунослигида миллий ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ўрганилишига эътибор кучайди, тилимизнинг ушбу соҳадаги терминологик тизимини теран ўрганиш бўйича жиддий тадқиқотлар амалга оширилди. Айни пайтда, ўтовсозлик лексикаси каби кам ўрганилган соҳаларига жиддий эътибор қаратиш зарурати ҳам кун тартибига қўйилди. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги² таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш борасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда мазкур соҳалардаги долзарб масалаларнинг ечимини топишга ҳам хизмат қилади.

Жаҳон тилшунослигида етакчи бўлган илмий-назарий ёндашувлар асосида ўтовсозлик терминларининг халқ оғзаки ижоди, қадимий лексикографик манбалар ва тарихий-илмий асарларда учрайдиган намуналарини аниқлаш, уларнинг лексик-семантик, тарихий-этимологик хусусиятлари ҳамда ясалиш асосларини ёритиш орқали унинг ўзбек лингвомаданияти ва лексикасида тутган ўрни сингари масалаларни тадқиқ этиш диссертация мавзусининг замонавий тилшунослик учун аҳамиятини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни (1995), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 30.

² Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида //Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, №28 (6722). – Б.1-2.

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги “Давлат тили ҳақида”ги қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 311-сон қарори талаблари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида XX асрда терминология ва туркий тиллар соҳавий лексикаси юзасидан тавсифий, қиёсий-тарихий ва тарихий-этимологик характердаги кўплаб тадқиқотлар яратилди. Рус тилшуносларидан В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, Н.А.Баскаков, А.А.Реформатский, В.П.Даниленко, В.Г.Гак сингари олимларнинг асарларида термин ва терминологиянинг назарий муаммолари, унинг таърифи ва бошқа муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, А.М.Шчербак, В.И.Литвинов ва бошқа олимлар терминологиянинг айрим соҳаларини ўрганиш бўйича муҳим ишларни амалга оширганлар. Уларда асосий эътибор соҳа лексикасининг назарий, қиёсий, тарихий-этимологик таҳлилларига эътибор қаратилди. Ўзбек тилшуносларидан У.Турсунов, С.Иброҳимов, А.Ҳожиёв, Э.Бегматов, О.Усмонов, Х.Дониёров, Ғ.Абдурахмонов, С.Акобиров, Р.Дониёров, Ҳ.Дадабоев, Ҳ.Жамолхонов, Н.Маҳмудов, И.Мирзаев, Н.Маҳкамов, Т.Турсунова, А.Мадвалиев, И.Йўлдошев, А.Собиров, М.Абдиев ва бошқа олимларнинг ишларида ўзбек терминологиясининг турли масалалари ёритилган. Аммо ўзбек терминологиясида ўтовсозлик лексикасининг шаклланиши, ясалиши ва бойиш манбалари махсус тадқиқ қилинмаган. Ҳолбуки, асосан, кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган кўплаб халқлар тилшунослигида қтовсозлик лексикаси анъанавий қурилиш йўналишида махсус ўрганилган бўлиб, У.Даажав, О.А.Константинова мўғул, П.Б.Федоров қалмиқ, Р.М.Юсупов бошқирд, А.Д.Эрдинеева бурят А.А.Шевцова, А.Р.Нурдубаева, қозоқ, Э.Чиниева, А.Ю.Мальчук қирғиз ўтовлари ҳақида тадқиқот олиб борган бўлсалар, Ш.Алланиязова қорақалпоқ қўл хунар лексикаси таркибида ўтов жиҳозлари терминлари, Н.А.Глеубергенова анъанавий қурилиш йўналишида илмий изланишлар олиб борганлар³. Ўзбек ўтовлари лексикасининг айрим

³ Даажав У. Юрта – основа национальной архитектуры Монголии // Ползуновский вестник, 2013. – №4-1. – С. 221-223; Константинова О.А. К характеристике лексического комплекса “очаг – жилище - народ” в тунгусо-маньчжурских, монгольских и тюркских языках // Проблема общности алтайских языков. – Л.: Наука, 1971. – С. 164-175; Этот же автор. Тунгусо-маньчжурская лексика, связанная с жилищем // Очерки сравнительной лексикологии алтайских языков. – Л.: Наука, 1972. – С. 224-256; Федорова П.Б. Отраслевая лексика современного калмыцкого языка (термины, связанные с обработкой древесины) // Камыцкий государственный университет. – Элиста, 1998. – С.38-40; Эрдинеева А.Д. Лексико – семантическая характеристика жилищно-поселенческого комплекса бурят: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Улан-Удэ, 2005; Шевцова А.А. Казахский народный орнамент как этнографический источник (на материалах XIX-начала XX вв.): Автореф. дисс. ...канд. истор. наук. – Москва, 2004; Нурдубаевой А.Р. Кииз уй: структура

жиҳатлари хақида Э.Умаров, Қ.Сапаев, М.Абдиев, А.Омонтурдиев, Ш.Усманова⁴ каби тадқиқотчилар томонидан эълон қилинган ишларда баъзи фикрлар баён этилган.

Диссертация тадқиқотининг иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг «Ўзбек тили бирликларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспект)» деб номланган тадқиқот режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили ўтовсозлик лексикасининг ўзига хос лингвистик хусусиятларини очиб беришдан иборат бўлиб, у жумладан, соҳа терминларининг систем-структур, тарихий-этимологик таҳлилларини амалга ошириш ва уларни нутқий истеъмолда қўллаш бўйича тегишли тавсиялар бериш каби масалаларни ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўтовсозлик терминларининг халқ оғзаки ижоди, ёзма манбаларда, ўзбек адабий тили ва шеваларда қўлланиши ҳамда уларни тартибга солиш юзасидан хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

этнографизмлар ўзбек тилининг миллий анъана ва қадриятларини акс эттирувчи лингвистик бирликлар эканлигини аниқлаш ва терминларнинг моҳиятини ёритиб бериш;

ўтовсозлик терминларининг мавзуй гуруҳларини аниқлаш, уларнинг гипонимик, партонимик, градуонимик, синонимик, антонимик, омонимик каби ўзаро муносабатларини асослаш;

ўтовсозлик сўз/терминларининг систем табиатини очиб бериш;

терминларнинг адабий тил ва бошқа туркий тилларга муносабати аниқлаш;

ўтовсозлик сўз/терминларнинг тузилишини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти – ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси бўлиб, уни адабий тилда, ўзбек лаҳжа ва шеваларида, луғатлар ва этнографик материалларда ҳамда оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарида учровчи, шунингдек, ўтовсозлик билан шуғулланувчи кишилар билан мулоқотда тўпланган сўз/терминлар ташкил этади.

пространственности: Автореф. дисс. ...канд. архитек. – Москва, 1977; Чыныева Э. Кыргыз улуттук орнаментининг коммуникация системасындагы ролу. – Бишкек, 2011; Мальчик А.Ю. История кыргызского народа прикладного искусства: эволюция кыргызского орнамента с древних времен до XX в.: Автореф. дисс. ...канд. искуств. наук. – Бишкек, 2005; Алланиязова Ш. Қорақалпоқ тилининг қол онер лексикаси. – Нукус, 1997; Тульбасиева Л.Е. Интерьер жилой юрты как художественно-композиционная система (казакское народное жилище кочевого периода): Автореф. дисс. ...канд. искуств. наук. – Москва, 1984; Тлеубергенова Н.А. Традиционное жилище каракалпаков XIX– начала XX вв.: Автореф. дисс. ...канд. истор. наук. – Нукус, 1996.

⁴ Умаров Э. Алишер Навоий асарларида оқ уй атамаси // ЎТА, 2005. – №1.– Б. 30-31; Сапаев Қ. Строительная терминология узбекского языка. Научная библиотека диссертаций и авторефератов disserCat <http://www.dissercat.com/content/stroitel'naya-terminologiya-uzbekskogo-yazyka#ixzz3QZ99OW37>; Абдиев М. Ўзбек тили ўтовсозлик атамалари // ЎТА, 2011. – №6. – Б. 97-101; Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. д-ри ...дисс. – Т., 2009. – Б.139; Усмонова Ш. Олтой тилларида муштарақ маиший лексика: Филол. фан. д-ри ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўзбек тили ўтовсозлик лексикасининг лингвистик хусусиятлари танланган.

Тадқиқот усуллари. Мавзуни ёритишда тарихий-қиёсий, систем-структур, таснифлаш, тавсифлаш, этнолингвистик ва лингвокультурологик ҳамда лингвостатистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўтовсозлик терминларининг ёзма манбаларда, ўзбек адабий тили ва шеваларда қўлланиши, уларни тартибга солиш юзасидан аниқ хулосалар илгари сурилган, соҳанинг терминологик аппарати шакллантирилган;

этнографизмлар ўзбек халқининг миллий анъана ва қадриятларини акс эттирувчи лингвистик бирликлар эканлиги аниқланган;

ўтовсозлик терминларининг адабий тил ва Марказий Осиё туркий тилларида қўлланишидаги фонетик, лексик-семантик фарқлари аниқланган ҳамда фактик материаллар асосида далилланган;

ўтовсозлик терминларининг мавзуий гуруҳлари аниқланган ва уларнинг гипонимик, партонимик, градуонимик, синонимик, антонимик, омонимик муносабатлари асосланган;

ўтовсозлик терминларининг ясалиш асослари аффиксация, композиция ва семантик усулларидан иборат эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтовсозлик терминларининг халқ оғзаки ижоди материаллари ҳамда бадиий, тарихий-илмий асарларда ифодаланиши аниқланиб, олинган хулосалар ўзбек тили тарихий лексикаси терминологик тизимларини янада чуқурроқ ўрганишга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

тадқиқот асосида яратилган “Ўзбек тилининг ўтовсозлик терминлари луғати” она тили таълимида ўқувчиларнинг филологик билимларини ошириш, ушбу соҳа терминларининг маъноларини теран англашига хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг систем-структур, таснифлаш, тавсифлаш каби усуллар билан асослангани, ўтовсозлик терминларига ўзбек тилининг табиатидан келиб чиқиб ёндашилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги кунда ўзбек филологиясида долзарб бўлиб турган терминология масалаларини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган ўтовсозлик терминларининг касб-хунар лексикаси системасидаги ўрнини кўрсатиб бериш юзасидан мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ўзбек тилининг терминологиясини янада чуқурроқ ўрганиш учун муҳим назарий маълумотлар беради, шунингдек тадқиқот ўзбек тили терминологияси, ўзбек тили диалектологияси, ўзбек тили лексикологияси каби фанлардан дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига, ўтовсозлик терминларининг терминологиядаги ўрнини аниқлашга хизмат қилади ҳамда

ундан сайёҳлик ва касб-ҳунар билан шуғулланувчи мутахассислар амалий ва илмий изланишларида фойдаланишлари мумкинлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексик бирликларининг терминологияси тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўтовсозлик соҳасига оид бирликлар, жумладан, *кигиз, ўтов, керага, узук, увуқ, эрганак, қанот, чангароқ, узукбов* сингари терминларнинг ўзбек миллий менталитетини ёритишдаги аҳамияти ҳамда миллий терминологияга оид назарий ва амалий хулосалар ОТ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” (2008-2011 йй.) номли фундаменталь лойиҳага тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 6 сентябрдаги 89-04-1225-рақамли маълумотномаси).

“Ўзбек тилининг ўтовсозлик терминлари изоҳли луғати” (ISBN 978-9943-4400-0-5) нашр этилган ва унда 800 дан ортиқ ўтовсозлик терминларининг изоҳи берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий иш, жумладан, 1 та изоҳли луғат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова (луғат ҳамда иллюстратив материаллар)дан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 157 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Соҳа лексикасининг тадқиқи: ўтовсозлик лексикасининг ўрганилиши ва лексемаларнинг тарихий манбаларда берилиши”** деб номланган биринчи бобининг дастлабки қисми (“Ўтовсозлик терминлари лингвистик тадқиқот объекти сифатида”)да систем-структур тилшунослик нуқтаи назаридан соҳа лексикасининг тадқиқи, терминларнинг лингвистик тадқиқот объекти сифатидаги ўзига хослиги, улар тадқиқи халқимизнинг маънавияти, урф-одатларини ёритиб беришда аҳамияти, тилшунослик бўлимларга оид назарий фикрларни тўлдириши, уларга аниқлик киритиши масалалари ёритилган.

Термин сўзи М.Фасмернинг кўрсатишича, латинча *terminus* “чегаравий белги” маъносини ифодалайди⁵. А.А.Реформатскийнинг таъкидлашича, термин доимо муайян терминологик майдонга тегишли бўлади ва ана шу майдон ичида у биргина маънога эга бўлади⁶.

Демак, маълум бир соҳага оид предмет ёки тушунчаларни ифодаловчи терминлар бир-бири билан маъноси, лексик-грамматик структураси ва бошқа хусусиятлари билан узвий боғлиқ ҳолда терминологик системани ташкил этади.

Маълумки, Олтой ҳудудларида II асрнинг бошларида юзага келган кўчишлар натижасида уй ва ўтов жихозлари лексикаси шаклланган⁷. Осиёда ўтовнинг икки шакли кенг тарқалган: туркий ва мўғул халқларига тегишли ўтовлар. Ўтовнинг туркий типи лексик системасига оид кенг кўламда бажарилган тадқиқотлар мавжуд эмас. Шундан келиб чиқиб, мазкур бобнинг ушбу қисмида ўтовсозлик лексик системасидаги сўз/терминлар, уларнинг ўзаро структур муносабатлари, касб-ҳунар ходимлари нутқида термин, бошқалар нутқида сўз вазифасини бажариши, соҳавий лексик система ва терминология тўғрисида фикр юритилади.

Бобнинг “Ўтовсозлик лексикасининг бадий, тарихий-илмий асарлардаги ифодаси” деб номланган иккинчи қисмида халқ оғзаки ижоди намуналари, “Девону луғотит турк”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Темур тузуклари”, “Шажарайи турк” асарларидаги терминларга доир материаллар таҳлил этилди.

Ўтовсозлик терминлари ўзбек халқи билан бир қаторда, қардош қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, ва туркман тиллари вакиллари нутқида ҳам кенг қўлланади. Чунончи, ўзбекларда: *мулкин кўрда бўзин ол, иргасин кўрда қизин ол* (сўзлашув нутқи). *Чанггарақда чарқилак, керагада керкилак* (бадий нутқдан). Қорақалпоқ сўзлашув ва бадий нутқида *чангароқ* оила маъносини ифодалайди: “*Рахмет Аметовтың шаңарагына*”⁸ (таъкид бизники – Х.Б.). Қозоқ тили материалларидан ҳам бунга қўплаб мисоллар келтириш мумкин: “*Ауыл – мемлекеттиң керегеси*”⁹ (таъкид бизники – Х.Б.). Қирғиз халқ оғзаки ижоди ҳам ўтовсозлик сўзларига бойлиги билан алоҳида ажралиб туради: *Керегем сага айтам, келиним сен ук // Уугум сага айтам, уулум сен эшит* (Мазмуни: *керагам, сенга айтаман, келиним, сен эшитгин. Уугум, сенга айтаман, ўғлим, сен тинглагин*)¹⁰.

“Алпомиш” достонида *бахмал ўтов, бақан, бўсага, бўгча-бўй, жайлов, жапсар, желак, жовчи, исриқ, қапа, куёв товоқ, куёв улоқ, кўнгира, кўнак, кўсов, лўк, пайга бет, саба, сириқ, таркаш, тувурлик, тўққиз товоқ, чанқавуз, чанггароги, чий, чотир, шоулоқ, элибой, қиз опқочди, қуллуқ бўлсин*

⁵ Фасмер М. Этимологический словарь русского языка: В 4 т. / Пер. снем. и доп. О.Н. Трубачева. – 2-е изд., стер. – М.: Прогресс, 1987. – С. 48.

⁶ Реформатский А.А. Что такое термин и терминология. В сб: «Вопросы терминологии». – М., 1961. – С. 52.

⁷ Усмонова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика: Филол. фан. д-ри ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – Б. 42.

⁸ Алласугуров Е. Мэнги жаса. – Нөкис: Билим, 2009. – Б. 34.

⁹ Кенжеахметұлы С. Жетіқазына. 2-кітап. – Алматы: Ана тілі, 2005. – Б.100.

¹⁰ Мазкур намуна дала амалиёти даврида қирғиз миллатига мансуб Бўронов Тилақдан ёзиб олинган.

қилмоқ, қўл ушлатар сингари ўтовсозликка алоқадор сўзлар учрайди. “Равшан” достонида ҳам ўтов билан боғлиқ бир қатор лексемалар қўлланган: “От устида ўтовнинг бўсағасидан қаради. Кўрди: ...сочидан уйнинг керағасига бойловли турибди”.

Ўтовсозликка оид лексемалар маъноси дарсликлардаги сатр ости луғатларда ҳам мавжуд¹¹.

Ўтовсозлик терминлари учрайдиган топишмоқларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1. Ўтов ва унинг қисмлари номи акс этган топишмоқлар. Булар ўхшатиш асосида бошқа нарса-предметларни ифодалайди. Чунончи, *қулоқ ва унинг тешиги, элак, ит, чумчуқ, кўз, қош, бурун, оғиз, киприк ва соч* ҳақидаги мисолларни шу гуруҳга киритиш мумкин: *Жар жағасыда жарти кәпә*¹². 2. Ўтов ва унинг қисмлари номи акс этмаган, бироқ шу тушунчалар ифодаланган топишмоқлар:

Жинди қыз, жинди қыз

Жин төбәгә чықты қыз.

Балларыны йәртип,

Дәрәң-дүрүң қылды қыз (қора уйнинг чанғороғи) [142].

Шунингдек, ўтовсозлик лексемалари халқ мақоллари (*Тірі боп төрдә жоқ, өлі боп гөрдә жоқ – тири бўп тўрда жўқ, ўли бўп гўрда жўқ; Жапсарсёз уй бомас, мәсләтсиз той (ва б.);* иборалар (*Иргәсі қөқыған – иргәси қўқигон. Уйи қўқиган, бетартиб аёл тавсифи; Журт аширув – маълум масофа, нисбатан олис ҳудуд, Иргә кўтардиси билан узатмоқ, Капәсини куйдирув – аҳволини танг қилмоқ (ва б.)* таркибида ҳам учрайди.

Ўтовсозлик терминлари термалар, ўлан ва олқишлар ҳамда ёзма адабиёт намуналарида поэтик вазифа бажаради, шеърнинг композицион-структур таркибида муҳим воситалардан бири бўлиб келади: Радиф: *Бошимга бошпана, ўтов, // Неча минг ёшсана-а, ўтов (қўшиқдан);* Ўхшатиш: *Келинойлар келар увуқдай, // Эгилмаган чувуқдай;* Такрор: *Вале базм юз бошлиқ оқ уй аро, // Оқ уй таши туя мушки бирла қаро* (“Садди Искандарий”); Таносиб: *Тўрида боргоҳнинг бир бийик тахт, // Анинг устида бир шоҳи жавонбахт* (“Фарҳод ва Ширин”); Ружуъ: *Чотма дема ҳажр қаро шоми де, // Зулму тааб уйларининг домиде.*

Юқоридаги мисоллар ўтовсозликка оид терминлар ўзбек тили лексик системасида алоҳида ўрин эгаллашини кўрсатади.

Замонавий асарларда ҳам ўтовсозлик сўз/терминлари мавжуд бўлиб, улар, асосан, тарихий колоритни бериш, ёзувчининг бадиий олами билан боғлиқ юксак идеалларни тўла акс эттириш мақсадига хизмат қилади. Худди шу жиҳатдан ўтовсозлик сўз/терминлари концептуал хусусиятга эгадир¹³.

“Девону луғотит турк» асарида қуйидаги ЛСГга оид сўз/терминлар мавжуд: предмет номини ифодаловчи ЛСГ: aw // эw – уй [II, 369], эw – уй (ол

¹¹ Рафиев А., Гуломова Н. Она тили ва адабиёт. Касб-хунар коллежлари учун дарслик. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.103.

¹² Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Тошкент, 2012. – Б. 142.

¹³ Материаллар кўздан кечирилганда, хусусан, А.Қодирий, Зулфия, А.Орипов, Ш.Холмирзаев, Т.Мурод, Э.Шукур (ва б.) сингари ижодкорлар асарларида қўлланган сўз/терминлар шундай мақсадга хизмат қилганлиги кузатилади.

эвгә бармиш ол) [I, 73]¹⁴, эв – чодир [I, 112]; нарса-буюм номини ифодаловчи ЛСГ: арчи – сумка, тўрва [I, 145], тутма – сандиқ [I, 405]; нарса-буюм қисмини ифодаловчи ЛСГ: ариғ – чодир пардаси [I, 94], әжәгү – чодирнинг асоси, қовурғаси [III, 430], эшик – эшик остонаси [I, 78]; ўтовни тайёрлаш жараёни билан боғлиқ ЛСГ: ашутти – пардалашга, ўрашга буюрди [I, 217], эгирди – 1. ўради, қуршади. 2. йигирди. 3. айлантирди 4. йўллади [I, 188]; нарса-буюм белгисини ифодаловчи ЛСГ: а:з – ипак кийимлик ва бошқаларга ўхшаш ҳар бир тўқилма ва ясалма нарса... [I, 108], бәзизлик эв – ясатилган уй [I, 464], очақлиғ эв – ўчоқли уй [I, 164]; асбоб-ускуналар номини билдирувчи ЛСГ: қисғач – қискич, амбур [I, 424], қифту – қайчи [I, 394]; хомашё номини билдирувчи ЛСГ: эгрик – йигирилган ип [I, 130], бистик – 1. йигириш учун мўлжалланган пахта [I, 441], кон – хом тери, кун [III, 154], сағри – 1. сахтиён тери, чарм. 2. ҳар нарсанинг териси [I, 167]; тўшанчи номини ифодаловчи ЛСГ: жабақу – юнгдан (“ДЛТ” индекс-луғати”га кўра, қилдан – Х.Б.) ишланган наMAT [III, 43], жабуғут – юнг ёки қил билан тўлдирилган тўшак [III, 45], жазим – гилам [I, 141]; бирор касб ёки ҳунар билан шуғулланувчи шахс номини билдирувчи ЛСГ: эгрикән– йигирадиган [I, 173]; уй-рўзғор буюмлари номларини билдирувчи ЛСГ: жанлиқ – чўпон тўрваси [III, 52], жанчук – тўрва [II, 12], жәнәк – бухча, хуржун [III, 78], жүтгәк – бўхча [III, 85], ашлақ – дастурхон [II, 58]; ўтов (уй) томонларини ифода этувчи ЛСГ: әжәкү – 1. ён, тараф. 2. чодирнинг ён томони [I, 156], жәтизлик – кенглик, нарсанинг эни [III, 59], тора – уйнинг тўри [III, 133], тора – тўр, уйнинг тўри, юқориси. [III, 240], бўлүн – бурчак [III, 381]; озиқ-овқат номини ифодаловчи ЛСГ: бухсум – бўза [I, 447], буғдај – буғдой [III, 258], бун – шўрва (ўғуз, кипчоқ, суворин) [I, 67], бўскәч – юпқа нон [I, 422]; жунни тўқиш ва эшиш орқали ҳосил бўлган буюмларни билдирувчи ЛСГ: јишиғ. 1 – арқон – қанат [I, 173], јишиғ: талку јишиғ – букилган, ўралган арқон [I, 402].

Шунингдек, мазкур қисмда “Муҳокамат ул-луғатайн” (*тунглук, узук, тўвурлук, босрук, чиз, кўзанак, увук, боғиш, бўсага, эркина - эрганак*), “Темур тузуклари” (*Олачуқ: “... Сўнг у ердан чиқиб, сув бўйларида олачуқ (чодир) лар тиктириб, Жете лашикарларининг қаршисида бир ойча кузатиб ётдим”* [29]. *Чодир: “... Юриш вақтида оддий аскарлардан ўн саккиз киши ўзи билан бирга бир чодир (хайма) олсин...”* [83]. *Ўтов: “... Амир эттимки, менинг зафару бахт келтирувчи ўтовимни (лашикар) бошига олиб чиқишигач, ўн иккита сипоҳий фавж тайинласинлар”*[102], “Шажарайи турк” (“...*Хиргоҳ эвни ул чиқарди”* [15] каби асарларда учровчи ўтовсозликка хос лексемалар батафсил таҳлил қилинган.

Бобнинг учинчи қисми “Ўтовсозлик сўз/терминларининг луғатлардаги талқини” деб номланиб, унда этимологик, изоҳли, диалектологик луғатлар материаллари, жойлардан тўпланган терминлар таҳлиliga эътибор қаратилди. Дастлаб *ўтов* лексемасининг этимологияси хақида сўз юритилди.

¹⁴ Мисолларни беришда асар тегишли томи рим, саҳифаси эса араб рақамлари билан катта кавс ичида келтирилди.

Маълумки, тил тараққиёти жараёнидаги ўзгариш ва миллий ўзига хосликни тадқиқ этишда луғатлар муҳим ўрин тутди. Ҳозирда ўзбек¹⁵, қорақалпоқ¹⁶, қозоқ¹⁷, қирғиз¹⁸, туркман¹⁹ тилларида диалектологик луғатлар нашр қилинган. Ўтовсозлик сўз/терминлари лексикографик манбаларда у ёки бу даражада талқин этилган. Уларни муайян микрогуруҳларга бўлиб ўрганиш маъқул топилди:

Ўтов ва унинг қисмларини англатувчи терминлар: Ўтов ҳақида ЎТИЛда: “Ўтов Марказий ва Ўрта Осиё, шунингдек, Жанубий Сибирь кўчманчилирида: енгил материал, кигиз кабилардан конуссимон шаклда ясалган кўчма уй, тураржой”, - дейилади. Ўзбек ўтовлари конуссимон шаклда эмас, балки яримайлана (масалан, гумбазсимонроқ) шаклда эканлиги таниқли этнографлар томонидан қайд этилган²⁰ ва биз кузатган объектларда ҳам уларнинг фикрлари тўғри эканлиги тасдиқланди.

“ЎХШЛ”да келтирилишича, атав 1 (Хоразм) ўтов, қора уй “юрта”: *ақ атавла қурығай, ейваныңда йа:р-йар* (Урганч) [21].

Термин таркиби: ўт 1 (олов) + ов 2(ав) (йиғилмоқ) = ўтов 3 (олов атрофида йиғилмоқ; уюшмоқ). Ўтов лексемаси икки сўз ўт ва ов бирикишидан ҳосил бўлган. Сўзнинг иккинчи қисмидаги ўзгариш куйидаги тартибда кечган: *ўт+ эw // эв //aw//ав//ов*. Керага ‘ўтовнинг гардишга ўхшаш девори’. *Қирғ.*, *қаз.*, *диал.*: кереге; *ққалп.*, *олт.*: кереге. Туркман тили сўзлигида кўрсатилишича ҳам сўз “...гереге - «герилён нәрсе», «тәрим». Кашгарли хем *кереге* сөзүни «гара өюң сүңци» манисинда уланипдир²¹. Чанғароқ - ўтовнинг устки қисмидаги туйнук чамбараги. Мазкур сўз/термин манбаларда турлича шаклларда берилган: Шаңқирақ [Л.З. Будагов, 163-165]; Шаңарак [Радлов, 942]; Чангарак [Потанин, 150]. Увуғ //увуқ – қорауйнинг керагалари билан туйнугини бирлаштириб туриш вазифасини бажарадиган бир учи эгик чўп [Нафасов, 312]. *Ўзб.*: увуқ; *ққалп*, *қаз.*: уық; *қирғ.*: ууқ; *туркм.*: ук. Туйнук ‘эски замон уйларида ёруғ тушиши, тутун чиқиб кетиши учун хизмат қиладиган тешик’... [ЎТЭЛ, III, 356]. Узук. Бу сўз туркий тилларда деярли бир хил маънода қўлланади: *ққалп.*: *үзик* ‘кигиз уйнинг чанғароғини ёпадиган катта кигиз’ [КкРС, 687]. Эрганак *шв.* Ўтов (чодир)нинг эшиги. ЎТДЛда “Эргәнәк эрганак (Қипчоқ) ўтов эшиги” [97]. Эрганак – қора уйнинг икки тавақали эшиги. У ён ёғочларга ип билан маҳкамланган... [104].

¹⁵ Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1971. – 407 б.

¹⁶ Досанов О. Қорақалпоқ тилининг диалектологиялик созлиги. – Нукус, 1983.

¹⁷ Атабаева М.С. Казак тілі диалектілік лексикасының этнолингвистикалық негізі. – Алматы: Білім, 2005. – 288 с.

¹⁸ Мукамбаев Ж. Кыргыз диалектологиясы жана фразеология. – Бишкек: Кыргызстан, 1998. – 168 б.; Мукамбаев Ж. Кыргыз тилинің диалектологиялык сөздүгү. – Фрунзе: Илим, 1972. – 324 б.

¹⁹ Бердиев Р., Күренов С., Шамырадов К., Аразкулыев С. Түркмен дилиның диалектлериниң очерки. – Ашгабат, 1970. – 374 с.; Нартыев Н.Түркмен диалектологиясының эсаслары. – Чәржев, 1994. – 245 с.

²⁰ Кармышева Б.Х. Жилище узбеков племени карлук южных районов Таджикистана и Узбекистана. – Изд. отд. обществ. наук АН ТаджССР, вып. 10-11, 1956. – С. 22-23; Абрамзон С.М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л.: Наука, 1971. – С. 120.

²¹ Atanyūzow S. Türkmen diliniң sözköki (etimologik) sözlügi. – Aşgabat: Miras, 2004. – S. 168.

Шунингдек, мазкур қисмда ўтовсозликка алоқадор этнографик *ис, беточар, бақан, ирим*; ўтов тикиладиган жойга алоқадор *овул, юрт*; ўтов тайёрлашда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ифодаловчи *йиг 'дук', бигиз, игна*; ўтов ички ўринларини англатувчи *тўр, бўсаға*; ўтовсозлик билан алоқадор таом номларини билдирувчи *айрон, атала, буламиқ*; жиҳозлар ва айрим маиший мақсадларда фойдаланиладиган нарса-предметларни ифодаловчи *бўрк, гушти, бўхча, кўч* сингари терминлар таҳлил этилди.

Ўтовсозлик сўз/терминлари қадимий даврларга оид қадриятларни ташувчи лингвистик далиллар сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан, уларнинг маълум қисмлари ЎТЭЛда акс этмаган. Шундай терминлардан бири *қўкламоқ* туркман тили луғатида мавжуд. Чунончи, “*Көклемек - тикиниң бир гөрнүши*” [ТТЭЛ, 226].

ЎТИЛдаги айрим сўз/терминлар тўғридан-тўғри ўтовсозликка алоқадор бўлмаса-да, мазкур соҳа терминлари сирасида ҳам ишлатилади. Чунончи, “*Беткай 1 Нарсанинг кузатувчига ёки бирор нарсага қараган олд қисми, сирт томони*”.

Айрим терминлар луғатда *этно.* изоҳи билан берилаётган бўлса-да, улар ҳозирда қайта тикланаётган ҳунармандчилик соҳаларида фаол қўлланмоқда: *Бешик 1 этно.* Чақалокни белаб ва тебратиб ухлатиш учун тол ёки тут ёғочидан ясалган йўғон оёқли махсус мослама; тебратма беланчак...

Алоҳида таъкидлаш лозимки, турли ҳудудлар лексикаси бўйича амалга оширилган ишлар – тузилган луғатларда, муайян фан йўналиши учун тайёрлаган луғатлар ҳамда жойлардан тўпланган материалларда ЎХШЛга кирмаган кўпгина ўтовсозлик сўз/терминлари мавжуд. Булар сирасига Алишер Навоий асарлари луғатидаги, “Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати”даги 60 га яқин, “Сурхондарё ўзбек шевалари луғати”даги 20 дан ортиқ, “Қашқадарё ўзбек халқ шевалари сўзлиги”даги 100 дан зиёд, “Зоминнинг тил қомуси”даги 30 га яқин, шунингдек “Ўзбек классик асарлари учун луғат”даги 40 та, “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”даги 30 га яқин сўз/терминларни киритиш мумкин. Шу билан бир қаторда, дала амалиётларида тўпланган материаллар таҳлиliga кўра қуйидаги сўз/терминлар ҳам амалда қўлланиши кузатилади:

Журтжавлаш // журтжавлаш – ўтов куриш учун жой танлаш, *ўтов пири // уй пири* (ўзбекларда Иброҳим Халилуллоҳ, мамалакатимиз ҳудудида яшаётган қирғизлар орасида Чўпон ота ўтов пири деган тушунча мавжуд), *уй қуриш, жой танлаш, “журт” жойи, “журт” қазии, журт (юрт) солиши, инс-жинслар, кетмон қўйиши, қон чиқариши, “эимачироқ”, йўниб тайёрлаш // йўниши, халослаш // халос қилиши, оқлик, журт мойи, уй суяги, чачала, бўғирсоқ, қора уй, уй қаноти, ҳазориспанд боғлаш, “журт”, ош ўчоқ, сандал ўчоқ, хосиятли кун* ва б.

Ўтовнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тасаввурларга боғлиқ изларни айрим удумлар жараёнида бажарилишига оид сўз/терминларни расм-русмлар

хамда баъзи тарихий манбаларда²² ҳам учратиш мумкин. Шунингдек, ўтов ёғоч материаллари, безаклари, тайёрлаш жараёнлари, жиҳозлари (ва б.) билан алоқадор кўпгина сўз/терминлар ҳам мавжуд. Туркий тиллар, жумладан, козоқ, қорақалпоқ, туркман тиллари материаллари асосида қиёсий тадқиқотлар олиб бориш имконини яратади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Ўтовсозлик лексемаларининг систем таҳлили**” деб аталган бўлиб, у уч қисмдан иборат. Биринчи қисм (“Ўтовсозлик билан боғлиқ микрогуруҳлар”)да ўтовсозлик билан боғлиқ бўлган *арқондўзлик, ёғочсозлик, гиламчилик, кигизчилик, каштачилик, қўйчилик, кўнчилик, сандиқсозлик, тикувчилик* каби микрогуруҳлар таҳлил этилган.

Иккинчи бобнинг навбатдаги қисми “Ўтовсозлик сўз/терминларининг мавзуй гуруҳлари” деб номланган. Унда ўтовсозлик терминларининг мавзуй гуруҳлари ўрганилади.

Ўтов материалларини тайёрлаш ва уни тиклашни ифодаловчи мавзуй гуруҳлар: асбоб-ускуналар (*пичоқ, қайчи, болта*); жараёнларни англатувчи (*аллабўбакламоқ, билакламоқ*); шахсларни ифодаловчи (*эрганакчи, билакчи*); уй-рўзғор буюмлари (*нонқоп, тарқич*); ёғоч материалларни англатувчи (*суяк, увуқ*); матоларни англатувчи (*кўк, остлик*); безакли материалларни англатувчи (*доирагул, дўлташоҳ*); тўшаладиган материалларни англатувчи (*такиямат, оқбосма*); ижод намуналарини ифодаловчи (*тасвирий саънат асарлари; шеърӣ ва насрий намуналар: шеър, терма, топшимоқ, мақол; ижро асарлари: қўшиқлар ва х.к.*) сингари сўз/терминларда намоён бўлади.

Бобнинг учинчи қисми “Ўтовсозлик сўз/терминларининг гипонимик, партонимик ва даражаланиш муносабатлари” тадқиқига бағишланган. Унда куйидагилар таҳлил этилди:

Терминлар гипонимияси. Ўтовсозлик терминлари *ўтов, уй, юрт* кабилар ҳар бири гипероним сифатида майдонга чиқади. Чунки уларнинг ҳар қайсиси ўзаро боғлиқ бўлган қатор луғавий бирликлар, аниқроғи, терминлардан иборатдир. Бундай терминлар эса гипонимлик вазифасини бажаради. Гипогиперонимик терминлар: *киви́з* – уйга, ерга солинадиган кенг ва энли палос [I, 347], *чајдам* – уйга солинадиган, ёмғирга қарши ёпинчиқ қилинадиган бир турли енгил намат [III, 191]; *эw*–уй, *бэзизлик эw* – ясатилган уй [I, 464], *очақлиғ эw* – ўчоқли уй [I, 164], *чувач* – чодир [III, 68], *қурвӣ чувач* – куббали чодир, шоҳ чодири [I, 203]. Ўтовсозлик терминларида даражаланиш. Сўзларнинг маъно фарқланиши билан характерланиши тилдаги систем-структур ходисалардан бўлиб, бу боради ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқотлар²³ яратилган. Градуонимик терминлар: *чӣт* – чайла [I, 310], *отағ* – чодир, *ўтов*

²² Рабғузӣ Бурхонуддин. Қисаси Рабғузӣ. Биринчи китоб. – Тошкент, 1990. – Б. 59-72, 84; Алишер Навоӣ. Тарихи анбиё ва ҳукамо. – Самарқанд, 1990. – Б. 69-74; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 36; Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент, 1992. Б. – 15; Қорақалпоғистон давлат музейи электрон базасидаги маълумотлар.

²³ Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1990; Орифжонова Ш.Г. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номз. ...автореф. – Тошкент, 1996; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фан. номз. ...автореф. – Тошкент, 1997; Худойбердиева Л.С. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг даражаланиши: Филол. фан. номз. ...автореф. – Тошкент, 2003.

[III, 226], *кэрәгү* – чодир... Мақолда шундай келган: *Кѳк кѳрдѳ кэрәгү јазтѳ – мехнат ва машаққат кѳрди-ю, ѳтовини орқасига јуклаб олди* [I, 418]. Терминлар партонимияси. Ўтов бутунлик, унингқисмларини, энг аввало, керага-увуқ-чанғароқ ташкил этади ва улар ҳам кейинги, ўзидан кичик, бирлаштирувчи таркибий қисмлар учун бутунлик ҳисобланади: а) Керага бутунлигининг бўлаклари: *керага, кўк, кўзанақ, кенгарак, керагабов, тувуқ, қозикбов*.

Бобнинг тўртинчи қисми “Ўтовсозлик лексемаларида вариантлик, синонимик, антонимик ва омонимик муносабатлар” деб аталади.


Терминлар вариантчилиги. Ўзбек тилининг ўтовсозлик терминлариарио вариатлиликнинг бир неча турлари мавжуд: *Фонетик вариантлик*. Вариант терминлар: *aw // эw – уй* [II, 369], *эw – уй* (ол *эwгә бармиш ол*) [I, 73], *эw – чодир* (... *кѳрѳб эwнѳ јѳқар*) [I, 112]. Mehmet Ekiz асарнинг 1999 йилги нашри асосидаги тадқиқотида мазкур лексемани “Ef: ev (DLT: 170)” [I, 1685]²⁴, З.–А.М.Ауэзова эса асар таржимасида *ав - أف* тарзида келтирса²⁵, айрим манбаларда асосли тарзда туркларда *эw*, ўғузларда *эв* шаклида қўллангани кўрсатиб ўтилади²⁶. Ўтовсозлик терминларида характер-ли товуш алмашинувларини кўйидагича кўрсатиш мумкин: *в→б, в→х, в→ғ; ғ→х, ғ→в//қ, в→ғ*. Аффиксал (ёки морфематик) вариатлилик *-дан // -дон, -ламоқ // -лаш, -ов, -алла (-ала), -алоқ, -гич, -ав, -иқ, -уқ, -оқ, -и, -и+ча, -чак, -чак+и, -и, -ла+моқ, -лаш+моқ* қўшимчалари асосида ҳосил қилинганлиги кузатилади. Морфематик-морфологик вариатлилик. От+от ва шунга тенг равишдаги от+сўз ясовчи қўшимча шаклидаги мисоллар ҳам мавжуд. Улар ҳар икки сатҳ бирликлари сифатида қарашни тақозо этади. Мисоллар: *сабовчўп – савачўп – савачич – сабавкаби*. Морфологик вариатлилик, асосан, қўшма терминлар мисолида кўринади. Улар таркибидаги ўзгаришларга кўра 2 хил: 1. Қўшма терминнинг бир қисмида алмашиб қўлланади: *бошбов – бошқур*. 2. Қўшма терминнинг ҳар икки қисми ҳам ўзгарган ҳолатда қўлланади: *жукайкақ – жуқжуйгич*. Морфологик-синтактик вариатлилик: Айрим от+от қолипли терминлар луғатларда икки хил (қўшма ва бирикма) шаклда берилган бўлиб, уларнинг бундай ифодаси муайян чалкашликларга олиб келади. Айрим мисоллар: *Тўйникбов* [Нафасов, 298]. *Тўйник бов* [Мирзаев, 85]. Синтактик вариатлилик: *Қизил бов // қ и з и л у з у к б о в – қора уй кигиз бўлакларини туташтириб туриш вазифасини бажарадиган қизил рангли тасма ип* [Мирзаев, 109]. Вариантликнинг бу тури, кўпроқ, материалларни ифодаловчи терминлар ва этнографизмлар мисолида учрайди.

Терминлар антонимияси. Бошқа соҳалар терминологияларидан фарқли ўлароқ ўтовсозликда яқка луғавий бирликлардан иборат антонимик жуфтлик камроқ қўлланаётганлиги кузатилди.

²⁴ Қаранг: Mehmet Ekiz. Divanu Lügati't-Türk'te yer alan mimarî terimler üzerine // Turkish Studies – International Periodical For The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic Volume 7/4, Fall 2012. – p. 1685.

²⁵ Қаранг: Махмўд ал-Кāшгарī. Дīвāн Лугāt ат-Турк (Перевод, предисловие и комментарии З.-А. М.Ауэзовой. Индексы составлены Р.Эмерсом). – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 113.

²⁶ Қаранг: Turko – Mongol Pulers, Cities and City Life. – Leiden – Boston, 2013. – p. 28. Яна қаранг: Дадабоев Х. “Девону луғотит турк”нинг тил хусусиятлари. – Тошкент, 2017. – Б. 11.



Бу жараёнда семантик хусусиятига кўра, антонимия синонимияга йўл очади.

Терминлар синонимияси. С.В.Гринева-Гриневаичнинг кўрсатишича, «терминологик аппарат ўзгаришини таҳлил қилиш асосида назарий фикрлашнинг хусусиятлари ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шунингдек, бу орқали маданиятларнинг ривожланиш тенденцияларини ҳам ўрганиш мумкин бўлади»²⁷.

